

- ушбу шартномада назарда тутилган холатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгүнің қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб берішни тұхтатиши.

- табиий газ етказиб беріш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб беріш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг күрсаткичларини тақдим этиши.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хұжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникикішатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудға келған табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- үзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эхтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиши;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик килувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор қилиш.

-Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиши..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган хажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиши;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб беріш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;